

Волейбол мусобақалари натижалари

// 29 май 2024 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/volleybol-musobaqalari-natizhalari>



Волейбол бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақада «Дехқонобод калий заводи» АЖ йигитлари корхона шарафини муносиб ҳимоя қилишди ва 1-ўринни қўлга киритишди.

«Қизилқум фосфорит комплекси» МЧЖ жамоасига 2-ўрин насиб этди.

3-ўринни «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚК жамоаси эгаллади.

«Дехқонобод калий заводи» АЖ қизлар жамоаси ҳам волейбол мусобақасида мутлақ ғалабага эришди ва 1-ўринни эгаллади. «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚК аҳил жамоаси эса 2-ўринни забт этди. Фахрли 3-ўринни «Навоиязот» АЖ жамоаси эгаллади.

Бугунги спорт мусобақалари ёшларга нафақат кўтаринки кайфият бахш этди, балки жамоада аҳил-иноқ ишлаш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби кўникмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилди. Барча иштирокчилар ва ғолиб ёшларни баҳсларга бой ўтган 2-куннинг юқори натижалари билан табриклаймиз.





  uzkimyosanoat

  uzkimyosanoat.uz

 (+99878) 140-74-26

"Ўзкимёсаноат" АЖ
МАТБУОТ ХИЗМАТИ









«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати